

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03.10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида

УДК:339.138:338.46

НАБИЕВА НИЛУФАР МУРАТОВНА

ХИЗМАТ КўРСАТИШ КОРХОНАЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ
ИШЛАБ ЧИҚИШ

(Фарғона вилояти хизмат кўрсатиш корхоналари мисолида)

08.00.11 – Маркетинг

08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти

ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ Бўйича ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: н.ф.д., проф. Эргашходжаева Ш.Дж.

Тошкент шаҳри - 2021 йил

TDIU
kutubxonasi

1039

к

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
1-БОБ. РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТЛАР МАРКЕТИНГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ- НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	12
1.1. Хизматлар маркетинги стратегиясини шакллантиришнинг моҳияти ва концепцияси.....	12
1.2. Хизматлар кўрсатиш корхоналарини ривожланишининг конуниятлари ва хусусиятлари.....	23
1.3. Хизматлар маркетинги стратегиясига қўйилган талаблар.....	38
1 - боб бўйича хулосалар.....	54
2-БОБ. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛАРИДА МАРКЕТИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ..	56
2.1. Хизмат кўрсатиш корхоналарида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш хусусиятлари.....	56
2.2. Маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишда хорижий мамлакатлар тажрибасининг таҳлили.....	67
2.3. Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантиришнинг тенденциялари ва унинг маркетинг стратегияси.....	77
2 - боб бўйича хулосалар.....	87
3-БОБ. ХИЗМАТ КЎРСАТИШ КОРХОНАЛИРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ.....	89
3.1. Хизмат кўрсатиш корхонасининг маркетинг стратегияси ва унинг таркибий қисми	89
3.2. Фарғона вилояти шаҳар ва туманларида хизмат турларини ривожлантиришнинг маркетинг стратегиялари.....	104
3.3. Хизматлар бозоридаги иштирокчиларнинг манфаатларини мувофиқлаштиришнинг ташкилий - иқтисодий механизми.....	121
3 - боб бўйича хулосалар.	129
ХУЛОСА.....	132
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	135
ИЛОВАЛАР.....	147

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув жараёни чуқурлашиб ва иқтисодийни рақамлаштириш тобора кенгайиб бориётган шароитда хизмат кўрсатиш тармоқларини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Жаҳон ялпи ички маҳсулот ҳажмида мазкур соҳанинг салмоғи ўртача 65 фоизни ташкил этгани ҳолда, мазкур кўрсаткич АҚШда 80 фоизни, Европа Иттифоқи давлатларида 70-75 фоизни ташкил этади”¹. АҚШ, Германия, Буюк Британия, Япония, Жанубий Корея каби жаҳоннинг ривожланган давлатлари амалиётига кўра инсон салоҳияти тараққиётига истиқбол мақсадлардан бири сифатида ёндашилган инвестициялаш шароитида маркетинг стратегиялари самарали қўлланилмоқда. Бу ўз навбатида юқори даражадаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш амалиётида маркетинг фаолияти, айниқса маркетинг стратегияларидан кенг кўламда фойдаланишнинг долзарблигини кўрсатмоқда.

Жаҳонда рақамли иқтисодийнинг жадал ривожланиши шароитида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг рақобатбардошлигини таъминлаш, айниқса хизмат кўрсатиш фаолиятини манзилли ва дифференциал тамойилли амалга ошириш борасида маркетинг стратегияларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Амалга оширилаётган тадқиқотлар таркибида маҳсулот турларини диверсификациясини ошириш орқали истеъмолчиларнинг хизмат сифатидан қониқиш даражасини кучайтириш, маркетинг ёндашувларида инновацион технологияларни кенг жорий этиш, хизмат турларини диверсификациялаш ҳамда уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган маркетинг тадқиқотларини ўтказиш илмий тадқиқотнинг устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ва аҳоли турмуш сифатини оширишнинг муҳим йўналишларидан

¹ https://ru.theglobaleconomy.com/rankings/share_of_services/